

Тўртинчи салб юриши



14:40 / 23.10.2023 2502

Учинчи салб юришидаги муваффақиятсизлик Рим папаси Иннокентий III (1198–1216) ни Қуддусга эгалик қилаётган, салбчи мамлакатларининг асосий ғаними саналаган Мисрга қарши салб юришини тарғиб қилишга ундади. 1202 йилнинг ёзида Бонифаций Монферратский бошчилигидаги рицарлар Венецияга тўпланишди. Салбчилар етакчиларида Фаластинга денгиз орқали боришга талаб қилинадиган тўлов учун маблағ йўқлиги боис улар венецияликларнинг Далмациядаги ажралиб чиққан Дар (Задар) портига қарши жазо юришида иштирок этиш тўғрисидаги шартига розилик билдиришди. 1202 йилнинг октябрида рицарлар Венециядан сузиб кетишди ва ноябрнинг охирларида, узоққа чўзилмаган қамалдан сўнг Дарни ишғол этиб, талон-тарож қилишди. Иннокентий III салбчиларни черковдан четлатди, аммо агар улар Мисрга юришни давом эттиришса, четлатишни бекор қилишга ваъда берди. Аммо 1203 йилнинг бошида

рицарлар Ғарбга қочиб кетган Византия шаҳзодаси — 1095 йилда ўз акаси Алексей III (1195–1203) томонидан тахтдан четлатилган император Исаак II нинг ўғли Алексей Ангелнинг илтимосига кўра Византиядаги ички сиёсий курашга аралашиб ва Исаакни тахтга қайтаришга қарор қилишди. 1203 йил июнь ойининг охирида улар Константинополни қамал қилишди. Июлнинг ўрталарида, Алексей III қочиб кетгандан сўнг Исаак II ҳокимияти тикланди, шаҳзода Алексей эса Алексей IV номи остида мамлакатнинг иккинчи ҳукмдори бўлди. Аммо императорлар салбчиларга ваъда қилинган икки юз минг дукат миқдоридagi катта маблағни тўлай олишмади, натижада 1203 йилнинг ноябрида улар ўртасида ихтилоф келиб чиқди. 1204 йилнинг апрелида халқ қўзғолони натижасида Исаак II ва Алексей IV тахтдан ағдарилди, янги император Алексей V Мурзуфл рицарлар билан очиқдан очиқ адоватга киришди. 1204 йил 13 апрелда салбчилар Константинополга бостириб киришди ва уни вайрон қилишди. Византия империяси ўрнида бир неча салбчи мамлакатлар юзага келди: Лотин империяси (1204–1261), Фессалония қироллиги (1204–1224), Афина герцоглиги (1205–1454), Морей (Ахей) князлиги (1205–1432); бир қатор ороллар венецияликларга насиб этди. Натижада асосий мақсади мусулмон оламига қарши зарба бериш бўлган тўртинчи салб юриши Ғарбий ва Византия христианлигининг батамом парчаланишига олиб келди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.